Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 9 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 46 (7139)

Da`vat

Диний ақидапарастлик одамлар ўртасидаги жиноятлар ва жанжалларнинг куртагидир.

К.Гелвеций

Ibrat

Хўжаобод туманидаги Абдулла Набиев номидаги жамоа хўжалиги болалари янги ўқув йилини янги мактабда қаршилайдиган бўлишди. 30 - мактаб учун 540 ўринли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

JUMLADA JAHON

• Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессияси материаллари ва Президентимиз Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган маърузасида ўртага қўйилган вазифаларга бағишланган икки кунлик илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

• Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш ва уни тўғри ташкил этишга оид қарорларининг май ойидаги ижроси якунлари, валюта тушумларининг аҳволи ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

• Тошкентдаги Республика Байналмилал маданият марказида атоқли рус шоири Александр Пушкин таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб юбилей кечаси, унинг доирасида «Ўзбек рассомлари ижодида Пушкин» мавзуидаги кўргазма бўлиб ўтди.

• Нигерияда иджо ва итсекири элатлари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар туфайли 200 дан ортиқ одам ҳалок бўлди.

• Европа Марказий банки евронинг муомалага киритилган вақтдан буён энг паст қийматини қайд этди: январда 1,18 АҚШ долларига тенг бўлган евро ҳозир 1,0382 долларга тенглашиб қолган.

• Миср халқ йиғини (парламент) президентлик лавозимига мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Ҳусний Муборак номзодини илгари сурди, агар у яна ушбу лавозимни эгалласа, шу билан тўртинчи муддатни ўташга киришади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида

Тошкент ислом университетининг фаолиятини такомиллаштириш, юртимиздаги ва хориждаги диний ташкилотлар, тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, замонавий фикрловчи ҳамда диний илмга эга мутахассислар тайёрлаш, Университет, Ислом тадқиқотлар маркази, академик лицей фаолияти сиёсатини шакллантиришда тавсиялар бериш мақсадида:

1. Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгаши тузилсин ва унинг таркиби иловадаги рўйхатга биноан тасдиқлансин.

Маслаҳат кенгаши раиси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мансуров тайинлансин.

Маслаҳат кенгашининг тавсиялари Университет ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишда мувофиқлаштирувчи ва уйғунлаштирувчи моҳиятга эгалиги белгилансин.

2. Маслаҳат кенгашининг мақсад ва вазифалари қуйидагилар этиб белгилансин:

— ислом университети талабаларини Ватанимиз мустақиллигига садоқатли ва фидокор, бой маданий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганган, замонавий технологиялар ва таълим услублари асосида дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун равишда ўзлаштирган етук мутахассислар тайёрлашда тавсиялар бериш;

— жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларининг ва олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда диний ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва боғлаш асосида университет ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, миллатимизнинг буюк илмий, маънавий қадриятлари асосида етук исломшунос мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

— ҳомийларни, шу жумладан, хорижий сармояларни жалб этиш, етакчи тадқиқот ва таълим марказларининг ўқитиш услубияти, таълимни ташкил этиш тажрибасини яқиндан ўрганиш ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурга мос равишда тадбиқ этиш ҳамда хориждан соҳанинг етук мутахассисларини таълим ва тадқиқотлар жараёнига таклиф этишда тавсиялар бериш;

— дунёвий ва диний фанларнинг уйғунлигини таъминлаш асосида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш, дарсликлар тайёрлаш ҳамда ўқув жараёни олдига қўйилган вазифаларни ҳар томонлама такомиллаштиришда Университет Илмий кенгашига тавсиялар бериш;

— Университет ва унинг ҳузуридаги Ислом тадқиқотлар маркази, академик лицейда олиб бориладиган илмий-услубий тадқиқотлар йўналиши ва мавзулари бўйича ҳамда Манбалар хазинасини ташкил этишда тавсиялар бериш;

— Университетнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан алоқа боғлаш, бу борада омма афкорини шакллантириш ва фаолиятига кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида»ги 1999 йил 7 апрель Фармони ҳамда «Тошкент ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1999 йил 7 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида Университет Маслаҳат кенгашининг Низоми ишлаб чиқилсин ва 10 кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент ислом университетининг Маслаҳат кенгаши жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.Каримов

Тошкент шаҳри,
1999 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 июндаги Ф-1015 Фармойишига илова

Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашининг таркиби

1. А.Мансуров
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Кенгаш раиси

2. Н.Жўраев
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

3. Ҳ.Кароматов
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ислом университети ректори

4. А.Баҳромов
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

5. А.Комилов
Ташқи ишлар вазири

6. Ф.Собиров
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси

7. С.Ғуломов
Олий ва ўрта махсус таълим вазири

8. Н.Иброҳимов
Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ректори

9. А.Азимов
Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом олий маъҳадининг ректори

10. Н.Комилов
Профессор-исломшунос

11. М.Хайруллаев
ФА Шарқшунослик институти директори

12. З.Мунавваров
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси

13. Ю.Шокиров
Ўзбекистон мусулмонлари идораси маслаҳатчиси



Мактаб даври битирувчи синфлар ҳаётида хотиралар уммонига сингиб кетаркан, ҳар бир ўқувчи ўз имкониятларига яна бир бор холис баҳо беришни тақозо этади. Башарти, Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 9-мактабда ана шу холис жараёнлар – ИМТИҲОН онлари кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Суратда: 11-синф битирувчилари физика фани синовларидан ўтишяпти.

Даврон АҲМАД
олган сурат

МУАЛЛИМЛАР ҚАСИДАСИ

Сиз сўзлаган лаҳза ўттиз жуфт кўз ром,
Илму толибларга берасиз ором,
Сизга таъзим, Сизга яна эҳтиром,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

Тиниқ туйғуларга тиниқлик солган,
Ёза-ёза баъзан қўллари толган,
Болалар кўнглига йўл топа олган,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

Қирқ беш дақиқа сирин ким билар,
Сочингиз оқию ажинлар улар,
Болалар бағрига тушган туйғулар,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

Синфхоналар тўлиб, тўлиб боради,
Унда гўё сузиб, сузиб боради,
Сўзларидан гуллар тузиб боради,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

Шодликлар кўп, кўпки саноғи йўқдир,
Сиз берган меҳрнинг адоғи йўқдир,
Сиз каби илмнинг фидоси йўқдир,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

Сизга ярашади ўша соддалик,
Айтган сўзларингиз хўп ифодалик,
Сизга меърос эрур вафозодалик,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

Ҳосил бераверсин эккан донингиз,
Луқмаси ҳалолдир еган нонингиз.,
Бут бўлсин доимо, пок имонингиз,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

Сиз сўзлаган чоғда Сизга ҳамма ром,
Илму толибларга берасиз ором,
Сизга таъзим, Сизга яна эҳтиром,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

Дилбар БОНУ

Milliy dastur—amalda

ТАЖРИБА ВА ТАКЛИФЛАР

Маълумки, Ўзбекистонда асримизнинг йигирманчи йилларида умумий таълим жорий этилиши муносабати билан халқ хўжалигининг турли соҳаларида мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкент, Самарқанд шаҳарларида университетлар очилди. Улар кенг тармоқли ўқув юртлари бўлиб, таркибида ўқитувчилар тайёрлайдиган бўлимлар, факультетлар ташкил этилди, педтехникумлар очилди. Ўттизинчи йилларга келиб университет факультетлари негизида тармоқ институтлари—педагогика институти, қишлоқ хўжалик институти, медицина, политехника, юридик ва бошқа институтлар ташкил этилди.

Педагогика институтлари дастлаб Тошкент, Фарғона, Бухоро шаҳарларида, кейинчалик барча вилоятларда очилди. Уларда педагогик таълим, яъни педагогика - психология фанлари касб таълими сифатида ўқитилгани учун ҳам бу ўқув юртлари «педагогика институтлари» «педагогика билим юрти» деб номланади. Расмий ҳужжатларда ҳам педагогика, психология, ёш физиологияси, ўқитиш методикаси каби педагогик фанлар педагогика ўқув юртлари ихтисослик фанлари ҳисобланди. Умумий ўрта таълим мактабларида предмет (фан)лар бўйича ўқитиш жорий этилгач (1931 йил), педагогика институтларида физика, математика, биология, ўзбек тили ва адабиёти, тарих ва бошқа фанлар бўлажак муаллимларга педагоглик касб таълими сифатида белгиланган ҳажмда ўқилиб, уларга «физика ўқитувчиси», «биология ўқитувчиси», « тарих ўқитувчиси» каби ихтисосликлар бериш жорий этилди. Бўлажак муаллимлар педагогика-психология фанларини касб таълими сифатида ўрганиш жараёнида ёшларни қандай ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий асосларини, таълим - тарбиянинг объектив қонуниятлари, принциплари, самарали шакл ва усуллари, воситаларини ўрганишган.

Педагогик кадрлар тайёрлашнинг тарихий тажрибаси ҳақида гапирар эканмиз, яна бир ҳаётий ҳақиқатни эътироф этмоқ лозим. Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йилларда умумий таълим мактаблари, уларда ўқувчилар сони тез кўпайиши муносабати билан саводли кишилар муаллимликка жалб этилаверарди. Бироз кейинроқ, олтмишинчи йиллардан бошлаб маориф соҳасига маблағ ажратишда номутаносиблик юзага келди. Натижада мактаблар, ўқув юртлари, ўқитувчиларнинг моддий аҳволи йил сайин пасайиб борди. Билимли, яхши ўқитувчилар халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига ишга ўтиб кетдилар. Педагогика ўқув юртларига кирувчи ва уларни битириб чиқувчиларга талабчанлик сусайди. Натижада ўқитувчиликка қобилияти ва қизиқиши кам, билими саёз айрим кишилар ҳам муаллимлар сафига қўшилди. Эндиликда бу каби камчиликларни такрорламаслик учун, Президентимиз аввало ўқитувчиларнинг моддий аҳволини, мактабларнинг ўқув-моддий базасини тубдан яхшилаш, талабалар танлашда қўлланила бошланган тест синовларини янада такомиллаштириш, ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини оширишни тубдан яхшилаш зарурлигини талаб этмоқдалар.

Кейинги йилларда институтларнинг ўқув-моддий базаси , профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий салоҳияти бирмунча ошди. Мустақиллик даврида уларнинг кўплари университетларга: техника университети, агроуниверситет, иқтисодиёт университети кабиларга айлантирилди.

Бу даврда мамлакатимизда олий педагогик таълим соҳасида бир қанча ижобий тажрибалар орттирилди, педагогика, психология фанлари ривожланди. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қарши, Андижон, Урганч, Термиз, Гулистон педагогика институтлари ўзига хос ўқув-илмий марказларга айланди. 1993 йилда вилоятлардаги педагогика институтларининг кўпчилиги кенг тармоқли университетларга айлантирилди. Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар, янгиланишлар, шубҳасиз, катта ижобий натижалар бера бошлади.

Шу билан бирга вилоятлардаги педагогика институтларининг университетга айлантирилиши муносабати билан мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар учун ўқитувчи, тарбиячилар тайёрлашда айрим муаммолар ҳам пайдо бўлди.

(Давоми 2-бетда)

АҚИДАПАРАСТЛИК – ИЛЛАТ

ёхуд бунга қарши Яккасарой туманида қандай чоралар кўрилаяпти?

Яқинда Яккасарой туманидаги 319-мактабда «Ақидапарастлик - иллат» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, ички ишлар бўлими, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

—Бундай тадбир бир ҳафта илгари «Муқимий», «Тўқимачи» маҳаллаларида ўтказилган эди, - деди туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Муқаддас Аъзамова,- бугунги тадбир эса «Қушбеги» маҳалласида жойлашган 319-мактабда давра суҳбати тарзида ташкил этилаяпти. Бундан кўзланган мақсад мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини юқори босқичга кўтариш, маҳалла нуфузини янада оширишдир.

Сирасини айтганда, «Қушбеги» маҳалласидаги 4755 хонадонда 10500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли орасида ёш-ўсмирлар кўпчиликни ташкил этади. Улар мактабни битирганларидан сўнг, айтиш жоизки, назоратсиз қолаётирлар. Афсусланарлиси, бу маҳалладан 7 нафар ўсмир «Ҳезби - таҳрири исломия » ақидапарастлик йўналишидаги гуруҳга аъзо бўлиб қолганлар. Агар туман миқёсида 17 та маҳалла борлигини ҳисобга олсак, бу сон янада ортишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Туман ҳокими ўринбосари Р.Иноғомов маҳаллаларнинг маънавий-маърифий юмушлари ҳақида гапирар экан, бу борада туман миқёсида амалга ошириладиган ишлар ва келажақдаги вазифаларга ҳам тўхталди. Шундан сўнг исломшунос олим С.Абдуллаев, профессор С.Салимов, Тошкент шаҳар ҳокими муовини Р.Умаров, шаҳар «Фидокорлар» партияси биринчи котиби А.Акромов, туман ҳокими А.Мирқосимов ва бошқалар ислом дини асослари, маҳалла нуфузи, бола тарбиясида мактабдан ташқари ишларнинг аҳамияти, ақидапарастларнинг жамиятга етказаётган зарари, айни ҳар бир яшовчининг ниҳоятда ҳушёр бўлишлиги хусусида атрофлича сўз юритишиб, ўртага ташланган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Давра суҳбати жараёни бизда ҳам баъзи бир фикр-мулоҳазаларни уйғотди. Гап шундаки, аввало, маҳаллакуй оилалардан таркиб топади. Оилада эса фарзанд вояга етади. Демак, тарбия масъулияти ота-она зиммасида бўлади.

Бироқ аҳён-аҳёнда бу масъулиятни унутганлар ҳам топилади. Масалан, «Қушбеги» маҳалласидаги 13- уйда истиқомат қилувчи Фаҳриддин Жалилов ота-она назоратидан четда қолган. Натижада «илм олиш истагида» ақидапарастлар гуруҳига кириб қолган. Энди у таўба - тазарру қилаяпти.

Адашганнинг айби йўқ, қайтиб топса йўлини дейишади. Бироқ бу биринчи галда, ота-онаси юзини ерга қаратиб, уларни норизо қилганини билармикан?.. Буюк нотиқ Цицерон айтади: «Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси» . Демак, биз ақидапарастлик йўлига кирган фарзандларни гўзал фазилатлардан ҳоли бир гуруҳ, дея баҳолашимиз лозим.

Иккинчи фикр шуки, туманда спортни ривожлантириш, шу ҳудудда турли хил тўгараклар сонини ошириш имкониятлари бор. Мисол учун яқинда «Тўқимачи» стадионида шаҳар бўйича ўтказилган кикбоксинг мусобақаси катта байрамга айланиб кетган эди, уни ёшу қари томоша қилди. Демоқчимизки, Яккасарой туман ҳокимлиги туман бўйича турли тўгараклар сонини кўпайтириш, спорт-соғломлаштириш ишини янада яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилса ва маблағ ажратса, ёшлар тарбияси йўлида олиб борилаётган ишлар ўзининг юқори самарасини берган бўлур эди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

АЙБЛАРИГА ИҚРОР БЎЛМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 22 нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни давом этмоқда. Бу шахслар шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президенти ва давлатнинг бошқа раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланмоқдалар.

Судланувчи Дилшод Камолов бир неча бор мамлакатимиз ташқарисида бўлиб, жиноий гуруҳ етакчилари билан учрашган. Улардан бажарилиши лозим бўлган махфий топшириқлар олган. Дилшод республика Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат мулкини бошқариш ва , тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг телефон рақамларини гуруҳ аъзоларига етказиб берган.

Каримжон Узоқов эса ички ишлар томонидан қидирувда бўлган жиноятчини кўрганлигини яшириб келган. Агар у ўз вақтида жиноятчи ҳақида хабар берганида тақдири бошқача кечиши мумкин эди.

Судланувчилардан Рустам Маматқулов, Фозилжон Асқаров ва Нурали Йўлдошевлар ҳам судда кўрсатма бердилар. Юқорида номлари зикр этилган судланувчиларнинг барчаси ўз айбларига иқрор бўлдилар. Улар ўз қилмишларидан пушаймон эканликларини айтмоқдалар.

Суд жараёни давом этмоқда.

ЎзА

АҚЛ ЁШДАМАС...

Фанлар ичида энг мураккаб ва чигал бўлган математика ҳам ўзининг энг ёш «даҳо»сини кашф этган. Машҳур француз математиги Эварист Галуа 18 ёшида ҳозирги замон алгебрасига асос солган ва фанда абадий қолган.

ШОВ-ШУВ БЎЛГАН ЭДИ

Бундан бир йилча илгари «Zinger» тикув машинаси борасида турли шов-шувлар кўтарилди. Америкалик саноатчи И.М. Зингер 1850 йилда яратган бу машиналарнинг жаҳондаги нуфузи ҳозир ҳам жуда юқори. Шов-шувнинг сабаби эса, «Zinger» нинг ер юзида қанчалик тарқалганлигини аниқлаш учун ўйлаб топилган «усул» дейиш мумкин.



ЯНА ДАҲОЛАР ҲАҚИДА

Истеъдоди эрта уйғонган кибернетика илмининг «отаси» Н. Винер 12 ёшида университетга қабул қилинган. 18 ёшга тўлганда Гарвард университети унга фалсафа фанлари доктори илмий даражасини беради.

БИЗ ҲАМ ФАХРЛАНА ОЛАМИЗ

Ҳамюртимиз, атоқли математик, академик Т. Саримсоқов 23 ёшидаёқ номзодлик, 27 ёшида эса докторлик диссертациясини ёқлаган эди. Ким билсин, ўшанда ҳозиргидек истеъдодли ёшларга эътибор катта бўлганда, у ҳам ўсмирлигидаёқ шундай натижага эришган бўлармиди?!!

Yangi o`quv yiliga tayyormisiz?

ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛДИ

Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда таълим соҳасида улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Наманган вилоятида ҳам бу борада кўплаб ижобий ишларни кузатиш мумкин. Куни кеча ушбу вилоятдан бир неча хушхабар олдик. Наманган туманидаги барча таълим муассасалари республикамизда биринчи бўлиб тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Шу кунларда вилоят педагог-ходимлари ва раҳбарлари барча таълим муассасаларини 20 июнга қадар жорий таъмирдан чиқариш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Иш билан бўлиб дам олиш, хордиқ чиқариш ҳам эсдан чиққани йўқ. Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида шу йил ёзда Косонсой туманининг сўлим оромгоҳларида 700 га яқин вилоят ўқитувчиларининг фарзандлари ёзги хордиқ чиқарадилар.

Яна бир янгилик: вилоят халқ таълими ходимларининг паспорти жорий этилди. Мазкур паспортда ўқитувчининг оммавий ахборотлардан фойдаланиши, бадиий адабиётлар ва қўлланмалардан фойдаланиши ва бошқа ҳуқуқлари кўрсатилган.

Ботиржон ҒОФУРОВ



Тошкент шаҳридаги Малик Мажидов номли мактабнинг 7-«А» синф ўқувчилари ота-оналари ёрдамида ўз синфларини жорий таъмирдан чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу юмушларда уларга синф раҳбари Шоиста Муҳиддинова бош-қош бўлаётир.

Суратда: муаллима Ш. Муҳиддинова ўқувчиларга стол-стулларни бўяшда нималарга эътибор бериш лозимлиги тўғрисида тушунча бераяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

Maktabgacha ta`lim

ИСТЕЪДОД ҒУНЧАЛАРИ

Барча ота-оналар кўзларининг оқу қораси бўлмиш нуридийдаларини жисмонан соғлом, бақувват, билимли, уқувли, ўткир зеҳнли, дидли, юксак маънавиятли, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлиб вояга етишларини дил-дилдан истайдилар. Ана шундай юксак орзуга эришиш мақсадида уларнинг ўзлари ҳам дилбандлари билан ҳамкорликда иложи борича ҳаракат қиладилар.

Истеъдодли болалар боғча-мактаб мажмуамизнинг иноқ, изланувчан, болажон жамоаси кичкинтойларнинг ҳар томонлама ривожланиб, баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун машғулотларни ранг-баранг, ноанъанавий усулда ўтишга, ширинтойларни қизиқтирадиган, фикрлайдиган, дунёқарашини бойитадиган мавзуларга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Мажмуа етти блокдан иборат бўлиб, унда ўғил-қизларнинг дам олишлари ва машғулот ўтказишлари, тўгаракларда фаол иштирок этишлари учун барча шароит яратилган. Масканда ўзбеклар билан бирга бошқа тилда сўзлашадиган болалар ҳам тарбияланаётир.

Болажонлар гулшанида 4 та ясли, 14 та боғча гуруҳларида 568 нафар, 1-4-синфларда эса 102 нафар бола камол топаётир. Мурғак қалбларга 17 нафар ўқитувчи ҳамда 36 нафар мураббий таълим-тарбия бераяпти.

Катта гуруҳдаги тарбияланувчилар бошланғич синф ўқитувчиси, илмий мудир, услубчи ҳамда директор ҳамкорлигида тузилган тест саволлари орқали тайёрлов гуруҳига ўтказилади. Тест саволлари болаларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш, нутқ ўстириш, математикага оид тузилади. Тайёрлов гуруҳида I-тоифали тарбиячи Шоҳида Маҳкамова ва бошланғич синф ўқитувчиси Лайло Жумаева ҳамкорликда болаларни мактабга тайёрлайдилар. Ҳафтада икки марта нутқ ривожлантириш дарслари ўтказилади.

Суҳбат тестидан ўтган ширинтойлар мажмуада ўқиш учун қоладилар. Қолган жажжи болажонлар эса 126, 280-мактабларда билим оладилар.

Масканда истеъдодли болалар билан соғлом авлод учун дастури ҳамда Мария Монтессори услуби бўйича иш олиб бораётирмиз. Математика ва инглиз тили чуқур ўргатилмоқда. Шунингдек, рақс, хор, У-шу, бадиий гимнастика, тил ўрганиш, эртаклар-яхшиликка етаклар, қўл меҳнати, компьютер сабоқлари, инглиз тили, шашка, қўғирчоқ театри, тасвирий фаолият каби тўгараклар болажонлар хизматида. Лилия Амирова қўғирчоқ театрини нутқ ўстириш билан боғлаб олиб бораётир.

Наталья Богатова, Раиса Зайниддинова, Саида Мирзамуратова сингари меҳри дарё мураббийлар услубчи Маҳмуда Аҳмедова бошчилигида дилбандларнинг нозик қалбларига йўл топмоқдалар.

Тани соғлиқ — туман бойлик, деган нақл бор ҳалқимизда. Эркатойларнинг жисмонан чиниқиб, тетик, бақувват бўлиб вояга етишлари учун спорт зали мавжуд. Мазкур хона спортга оид барча юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланган. Теннис корти, волейбол, баскетбол, футбол майдончалари, очиқ сув ҳавзаси эркатойларга мунтазир. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ўқитувчиси Исмоил Маҳмудов (боғча гуруҳида ҳам) жисмоний тарбиядан дарс бераётир ҳамда у-шу тўгарагига бошчилик қилаётир.

Ҳафтанинг пайшанба кунини югуриш куни деб эълон қилганмиз. Шу куни тарбиячи ва ўқитувчилар болалар билан спорт майдончасидаги югуриш йўлаклари бўйлаб чопадилар.

Мажмуада маънавият ва маърифат хонаси, 200 дан ортиқ китобга эга бўлган нурхона ҳамда ўқув зали мавжуд. Ўзбекистоннинг аввали ва ҳозирги ҳаётига оид музей ташкил этилган. Фитобарда турли шифобахш гиёҳлардан ичимликлар тайёрланади.

Навбатдаги режамиз—физиотерапия хонаси ташкил этиб, болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ёпиқ сув ҳавзаси барпо қилиш.

Боғча-мактаб мажмуамиз таълим узлуксизлигини таъминлаш, соғломлаштириш қобилиятларига кўра, болаларнинг соҳаларга мойилликларини аниқлаш, дарсларга янгича ёндашишлари билан бошқа таълим муассасаларидан фарқланади. Ўқувчилар билан ҳар чоракда фанлар бўйича тест саволлари ўтказилади. Бу йил давомида ўқувчиларнинг 73 фоизи ҳақиқий истеъдодли эканликлари ҳисоботда аниқланди.

Мактабга тайёрланган болалар ҳамда бошланғич синфни тугатган ўқувчиларимиз 126-мактабда таҳсил олишни давом эттиришлари ҳақида шартнома тузганмиз.

Жорий йилда якшанбалик мактаби ташкил этилди. Январь—май ойларида болалар боғчаларига қатнамайдиган 32 нафар бола мактабга тайёрланди. Машғулотлар ҳафтада икки марта олиб борилди.

Мажмуа хўжалик ҳисобида ишлайди. Ўз ҳисоб рақамига эга. Асосий ҳомийларимиз ота-оналар ҳамда туман халқ таълими бўлимидир.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, деганларидек ўз вазифасига масъулият билан ёндашаётган мураббий ва ўқитувчилар ёзги дам олиш оромгоҳларида маданий дам оладилар. Ўтган йили 35 нафар ходимимиз Сирдарёдаги «Авиасозлар» оромгоҳида икки кун мазмунли дам олдилар. Бу йил эса Хумсонда мазмунли хордиқ чиқаришларини мўлжаллаяпмиз.

Айни кунларда жамоамиз аъзолари келажагимиз ворислари бўлмиш—мурғак қалблар истеъдодини янада ривожлантириш йўлида эзгулик сари интилмоқдалар.

Маҳфуза ҚУТБИДДИНОВА,
Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 204-истеъдодли боғча-мактаб мажмуаси директори

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Яқинда Тошкент Давлат юридик институтида «Ҳуқуқшунослик фанларининг долзарб муаммолари» мавзуида ёш олимларнинг илмий-амалий анжумани ўтказилиб, унда бозор иқтисоди шароитида ҳуқуқ илми олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Анжуманда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани прокурори, 3 - даражали давлат маслаҳатчиси Э. Абзалов «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда прокуратура идораларининг роли» ҳақида маъруза қилиб, жамиятимиз покланиш йўлидан бориши, ёшларнинг эртанги куни учун ўзимиз қанчалик маъсулият ҳис қила олишимизга боғлиқлигини, мазкур анжуманнинг аҳамияти ҳам шунда эканлигини айтди.

Анжуманда институт ректори муовини, юридик фанлари доктори, профессор Й.Каракетов «Криминология фанининг долзарб муаммолари», фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири И. Зокиров «Бозор муносабатлари тизимида фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари» тўғрисида маъруза қилдилар. Иштирокчилар шўъбаларга бўлиниб, долзарб ҳуқуқий йўналишлар бўйича баҳслашдилар. Ёш олимлардан аспирант З.Эсонованинг «Оила ҳуқуқига оид низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари», аспирант А.Ҳамроевнинг «Шахснинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг баъзи бир муаммолари», аспирант М. Ҳалимованинг « Жиноят процесида ҳақиқат муаммоси», аспирант-тадқиқотчи Я.Абдуллаевнинг «Вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлиги учун жавобгарлик» ва аспирант Б.Боймоқовнинг «Меҳнат вазифаларини бажариш вақтида ходимларнинг соғлигига етказилган зарар учун жавобгарлик» каби мавзуларда маърузалари тингланди.

Санъат намоёндалари ўз маҳоратларини намойиш қилиб, анжуман руҳига руҳ қўшдилар. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиеванинг мумтоз қўшиқлари, куй ва рақслар барчани мамнун этди.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

МАЪРИФАТПАРВАР ОЛИМА

Маърифат тарқатиш—савоб иш. Ҳозирги кунда кутубхоналаримизда бор китоблар ўқувчиларга етишмаяпти. Ўқувчилар китоб ўқишга муштоқ, айниқса, мактаб, лицей, интернат, коллежлар, олийгоҳ кутубхоналарида бадиий китоблар танқис.

Ана шундай кунларнинг бирида олима Матлуба Азимова менга шахсий кутубхоналари борлигини айтиб қолдилар. Улар:—«Ўқидим, олима бўлдим, ўттиз йилдан ортиқ Тошкент Давлат дорилфунуни филология факультети талабаларига «Ҳозирги ўзбек адабиёти» курси бўйича маъруза ўқидим, амалий машғулотлар ўтказдим, энди менинг шахсий кутубхонамда жамланган китоблардан ёшлар баҳра олсинлар, маънавиятларини бойитсинлар», дедилар. Олима Матлуба Азимованинг гапларидан кўнглим чароғон бўлиб кетди. Дарҳол, Ирригация институти (ТИҚХМИИ) қошидаги 2-сонли Умумтехник лицей-интернат директори Аҳрор Хусановга бу ҳақда хабар қилдим. Улар «Кутубхонамиз янада бойир экан-да»,—дея жуда севиниб кетдилар. Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор муовини Нурмуҳаммад Туркманов бошчилигида Матлуба Азимованинг уйларига бордик, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бутун ҳовли даста-даста китоблару журналларга тўлиб кетган. Барчаси сараланиб, боғлам-боғлам қилиб тахланган.

Ибн Сино, Форобий, ал-Фарғоний каби алломаларимизнинг асарлари, Огаҳий, Навоий, Бобур ва сингари мумтоз ижодкорларимизнинг кўп жилдликлари, А.Қаҳҳор, Ойбек, Миртемир, Ў.Умарбеков ва яна кўплаб адиб ва шоирларимизнинг сайланмалари, қисқаси, минг-минглаб китобларни ана шу лицей-интернатга олиб келдик.

Мана энди ўқувчиларнинг кутубхоналари ранг-баранг китобларга бой бўлди, бемалол бўш вақтларини китоб ўқиш билан ўтказадилар.

Олима ўзлари ўқиб, медаль билан тугаллаган Шайҳонтоҳур туманидаги 85-ўрта мактаб кутубхонасига ҳам қолган минглаб китобни совға қилмоқчи эканликларини айтдилар.

«Жаҳон адабиёти» журнали таҳририятига ҳам кўплаб хорижий адабиётларнинг сайланма асарларини тортиқ этдилар. Китобларни даста-даста қилиб жойлаштиришда турмуш ўртоқлари Шавкатжон Абдурахимов, қизлари —Чилонзор туманидаги 131-мактабда тарихдан дарс берувчи Раъно хон, тиббиёт фанлари номзоди, врач-кардиолог Барнохон, Тиббиёт олийгоҳини тугатган Лайлохонлар уларга кўмак бераётган эдилар.

Матлуба Азимова—филология фанлари номзоди, доцент. Талай китоблар муаллифи.

Республикамизда яшовчи шоирлар, ёзувчи-олимлар ва барча-барча зиёли инсонлар, борингки, шахсий кутубхоналарида китоблари кўп дўстларимизнинг ўзлари таълим олган мактабларига, ўзларига яқин ерда жойлашган, болалари ўқиётган лицей, коллеж, олийгоҳ, ўрта мактабларга китоблар совға этсалар кони савоб-ку. Азизлар, барча-барчангизни қўлдан келганча саховатли, олийжаноб ишни амалга оширишга чақираман. Нашриёт кутубхоналаридаги ортиқча китоблар ҳам интернат, мактабларга тортиқ этилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Назира ЖЎРАЕВА

Abituriyentga maslahat

МУШОҲАДА – МУВАФФАҚИЯТ

Маълумки, Республикамизда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига тест усулида қабул қилиш 1992 йилдан бошлаб давлатимиз раҳбари Ислом Каримов фармонига кўра жорий қилинди. Дастлаб тест топшириқлари икки вариантли, кейинчалик уч вариантли бўлган бўлса, 1996 йилдан бошлаб тест синовлари кўп вариантли тизим асосида ўтказилмоқда. 1995 йилда тест саволлари «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарида босилган бўлса, 1996 йилдан бошлаб «Ахборотнома» ва «Вестник» журналларида чоп этила бошланди.

Агар биз 1996 йилдан то бугунги кунгача «Ахборотнома» да эълон қилинган тест топшириқларига назар солсак, уларнинг ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан ўсганлигини кўрамиз. «Ахборотнома» да эълон қилинаётган тест топшириқлари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шундай бўлиши табиий. Бу саволлар ўқувчиларни ва ўқитувчиларни изланишга чорлайди. Натижада ўқувчилар фанни чуқурроқ ўрганишади. Бунинг оқибатида келажакда улардан яхши мутахассислар етишиб чиқади.

Шуни айтиш жоизки, такомиллашган «энг яхши» тестлар бўлмайди. Буни қуйидагича тушунтириш мумкин: бугун ҳар томонлама яхши бўлган тест маълум вақтдан сўнг замон талабига мос келмай қолиши мумкин. Вақт ўтиши билан олдинги тузилган тестлар «эскириб» қолиши мумкин. Масалан, тузилган пайтда муаллифга ҳам, такризчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам манзур бўлган тест бугун уларнинг кўпчилигига манзур бўлмаслиги мумкин.

Бугунги кунга келиб, тест топшириқлари тузадиган муаллифларнинг ҳам, такризчиларнинг ҳам, ўқитувчиларимизнинг ва ўқувчиларнинг ҳам билим савияси бирмунча ошди. Шунинг учун олдинги тузилган айрим тестларда ҳозирги кун, ҳозирги савия нуқтаи назаридан айрим жузъий камчиликлар кузатилиши мумкин. Бундай ҳолларда ана шундай тестлар «таъмирланади» ёки мазмунан эскирган бўлса, саволлар жамғармасидан чиқариб ташланади. Шунинг учун абитуриентларга «Ахборотнома» да эълон қилинган тест саволларини тушуниб ечишларини маслаҳат берардик. Агар улар тест саволларининг жавобларини зўрма-зўраки ёдлашга ҳаракат қилишса ёки «шпаргалка» ишлатишга уринишса, чув тушиб қолишлари мумкин.

Тест саволларининг барчасига тўғри жавоб бериш учун, аввало, абитуриент мактаб дастури доирасида етарли билимга эга бўлиши, берилган топшириқнинг шартини яхшилаб тушуниб олиши керак. Саволнинг шартини яхши тушуниш, жавобни топишнинг ярмига тенг десак муболаға бўлмайди. Агар зарур бўлса, масаланинг шартига мос келадиган чизмани чизиб олиш керак. Шундан сўнггина масалани ечишга киришиш керак. Ўқувчилар «Ахборотнома»даги тест топшириқларининг барчасини ҳам биринчи уриниш даёқ еча олмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда берилган топшириқни ечиш учун керак бўлган мавзуларни бир карра қайтариб чиқиш фойдадан холи эмас. Шундай қилинса, биринчидан, ўқувчи шу мавзуларни яхши ўзлаштиради, иккинчидан, шу мавзуларга тегишли бўлган тест топшириқларини ечишда қийналмайди.

Маълумки, ҳар бир тест саволини ечишга абитуриент 2 минут вақт сарфлаши керак. Бу абитуриент ҳар бир тест саволини 2 минутда ечиши керак, дегани эмас. Абитуриент баъзи тест саволларини ечиш учун кўпроқ, баъзилари учун камроқ вақт сарфлаши мумкин. Дастлабки йиллари «Ахборотнома» ва «Вестник» журналларида нисбатан осонроқ, асосан ҳисоблашни талаб қиладиган саволлар чоп қилинган бўлса, ҳозирги вақтда эълон қилинаётган тест саволлари кўп ҳисоблашни эмас, балки мушоҳада қилишни талаб этади. Мушоҳада қилиш қобилияти кучсиз бўлган, яхши тайёргарлик кўрмаган абитуриентлар бундай топшириқларни ечишда анча қийналишади. Умуман олганда, абитуриент фанни қанчалик чуқур билса, мушоҳада қилиш қобилияти қанчалик кучли бўлса, у берилган тест саволини шунчалик осон ечади.

Фикримизнинг исботи учун қуйида иккита тест саволини ва уларнинг ечимини келтирамиз:

$$\frac{3{,}21\cdot 5{,}95-4{,}44}{2{,}21\cdot 5{,}95+1{,}51}$$

ни ҳисобланг.

A) 1 B) 2 C) $\frac{1}{2}$ D) $1\frac{1}{2}$ E) $\frac{61}{186}$

Бу мисолни тўғридан-тўғри ечадиган бўлсак, иккита кўпайтириш, биттадан қўшиш, айириш ва бўлиш амалларини бажаришга тўғри келади. Мисолни бу усулда ечган абитуриент вақтдан ютқазиб қўяди. Баъзи бир шакл алмаштиришларни бажарсак ҳисоблаш ишлари анча осонлашади:

$$\frac{3{,}21\cdot 5{,}95-4{,}44}{2{,}21\cdot 5{,}95+1{,}51}=\frac{(2{,}21+1)\cdot 5{,}95-4{,}44}{2{,}21\cdot 5{,}95+1{,}51}=$$

$$=\frac{2{,}21\cdot 5{,}95+1{,}51}{2{,}21\cdot 5{,}95+1{,}51}=1.$$

Демак, бу мисолнинг тўғри жавоби 1 га тенг бўлади.

Энди қуйидаги тест саволини кўриб чиқайлик:

$$6^{\log_6(\sqrt{3}\cos x)}+5^{\frac{1}{2}\log_5 6}=27^{\frac{1}{3}+\log_{27}\sin x}$$

тенгламани ечинг.

A) $\frac{3\pi}{4}+2\pi n, n\in Z$ B) $\frac{7\pi}{4}+2\pi n, n\in Z$

C) $\frac{5\pi}{12}+2\pi n, n\in Z$ D) $\frac{11\pi}{12}+2\pi n, n\in Z$

E) $\frac{\pi}{2}+2\pi n, n\in Z$

Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, тенглама ечимга эга бўлиши учун $\sin x>0$ ва $\cos x>0$ бўлиши керак.

Берилган тенгламани

$$6^{\log_6(\sqrt{3}\cos x)}+5^{\log_5 6^{\frac{1}{2}}}=27^{\frac{1}{3}}\cdot 27^{\log_{27}\sin x}$$

(1) кўринишда ёзиб оламиз. Асосий логарифмик айниятга асосан (1) ни

$$\sqrt{3}\cos x+\sqrt{6}=3\sin x$$

(2) кўринишда ёзиш мумкин.

(2) нингиккала томонини $\frac{1}{2\sqrt{3}}$ га кўпайтирамиз:

$$\frac{1}{2}\cos x+\frac{\sqrt{2}}{2}=\frac{\sqrt{3}}{2}\sin x;$$

бундан $\cos(x+\frac{\pi}{3})=-\frac{\sqrt{2}}{2}$

эканлиги келиб чиқади. Бу тенгламанинг ечимини

$$x+\frac{\pi}{3}=\pm\frac{3\pi}{4}+2\pi n, n\in Z$$

кўринишда ёзишимиз мумкин. Охирги тенгликдан

$$x_1=-\frac{13\pi}{12}+2\pi n \text{ ва } x_2=\frac{5\pi}{12}+2\pi n$$

эканлиги келиб чиқади. Аммо бу жавоблардан биринчиси дастлаб берилган тенгламани қаноатлантирмайди. Чунки

$$\sin x_1<0, \cos x_1<0.$$

Шунинг учун тўғри жавоб $\frac{5\pi}{12}+2\pi n, n\in Z$ бўлади.

Синчков абитуриент берилган тенгламанинг тўғри жавобини тезроқ топиши мумкин. Бунинг учун у тенглама фақат $\sin x>0, \cos x>0$ бўлганда, ечимга эга бўлишини пайқаши кифоя. Агар берилган жавобларга назар солсак, А), В), D) ва Е) жавобларнинг хатолиги кўриниб турибди. Чунки А), В) ва D) жавобларда $\cos x<0$ бўлади, Е) жавобда эса $\cos x=0$ бўлади. Шунинг учун бу жавоблар нотўғри. У ҳолда тўғри жавоб С) бўлади.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўладики, ўқувчилар берилган тест топшириқларини қисқа фурсатда ечишлари учун уларда мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантириш (ўстириш) жуда муҳимдир.

1998 йилги тест якунларининг таҳлилидан маълум бўлдики, абитуриентларнинг тригонометрия, ҳосила ва унинг тадбиқлари бўлимларини ўзлаштиришлари математиканинг бошқа бўлимларига қараганда сезиларли даражада паст. Аксарият абитуриентлар тригонометрик шакл алмаштиришларни яхши билмайди. Бу эса уларнинг тригонометрик тенглама ва тенгсизликларга доир масалаларни ечишларига ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун абитуриентлар юқоридаги мавзуларга алоҳида эътибор берсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Хулоса қилиб айтганда, тест синовига тайёрланиш сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишни тақозо қилмоқда. Бунда тайёрланишни шундай ташкил қилиш керакки, абитуриентнинг эслаб қолиш қобилияти ўссин, муайян масалани ечиш учун керак бўлган формулаларни ва усулларни танлаш тезлашсин, мушоҳада қилиш қобилияти ўссин. Шундагина абитуриент тест саволларига ўз вақтида етарли даражада яхши жавоб бера олиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, абитуриентнинг тест синовларидан муваффақиятли ўтишига ёрдам беради.

Бахтиёр ҚУВОНОВ,
Давлат тест марказининг эксперти

ОФТОБ ЧИКДИ ОЛАМГА

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги «Дўстлик» маданият ва истироҳат боғи ва «Болажон» боғида болалар байрами ва уларнинг ёзги таътили бошланиши муносабати билан «Офтоб чиқди оламга» номли театрлаштирилган байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда вилоятдаги Маннон Уйғур номидаги мусиқали драма театри санъаткорлари, Бойсун туманидаги «Қуралай» болалар намунали фольклор этнографик дастаси, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси вилоят бўлими санъаткорлари, Термиз Давлат мусиқа билим юрти талабалари ўзларининг янги куй ва қўшиқлари билан фаол иштирок этдилар. Шунингдек, тадбирда вилоят Ўлкашунослик музейи ва Ғафур Ғулом номидаги болалар кутубхонаси ходимлари томонидан тайёрланган сурхон воҳасига оид кўргазмалар болажонлар ва барча каттаю кичик кўнглини хушнуд этди. Ушбу тадбирни Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, маданият ишлари бошқармаси ва «Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорликда ўтказди.

Фотима ИСЛОМ қизи

ТАЖРИБА ВА ТАКЛИФЛАР

(Боши 1-бетда)

Чунончи, минтақавий университетларда талабаларнинг педагогик касбий тайёргарлик даражасининг пасайиш жараёни вужудга келди. Юқори малакали педагогик кадрларни қаерда (пединститутдами ёки университетда) ва қай даражада (кичик мутахассис даражасидами ёки бакалавр, магистр даражасида) тайёрлаш маъқул?

Бу муаммоларнинг илдизлари, сабабларини аниқлаб, уларни тўғри ҳал этиш мақсадида биз таклиф этаётган яна бир хулоса шундан иборатки, жаҳон мамлакатлари тажрибасида университетлар юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг ҳаёт синовидан ўтган шаклидир. Шу маънода институтларнинг университетларга айлантирилиши давлатимиз амалга оширган тўғри тадбирлардан бири эканлиги, шубҳасиз. Педагогик ихтисосликлар бўйича ҳам юқори малакали мутахассислар университетлар тизимида тайёрланиши лозим.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир вилоят халқ хўжалиги тармоқларида мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни чуқур ўрганиб, вилоят марказларида олий ўқув юртлари мавжудлигини назарда тутиб, минтақавий университетларда асосий эътиборни халқ таълими, маънавият ва маданият соҳалари учун мутахассислар тайёрлашга йўналтириш керак. Ва бу, таълим соҳаси учун педагогик кадрлар тайёрлаш савиясини жаҳон андозалари даражасига чиқариш томон қўйилган муҳим қадамдир. Шу билан бирга мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун тайёрланадиган бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-педагогик тайёргарлик даражаси мавжуд пединститутлардан юқорирок, яъни педагогика университетлари даражасида бўлмоғи максадга мувофик.

Кадрлар тайёрлашда университетларнинг ролини ошириш максадида қуйидагиларни таклиф этамиз:

— вилоятлардаги университетларда халқ таълими, маданият соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш;

— қишлоқ жойлардаги мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқитувчиларни мақсадли тайёрлашни, яъни аниқ мактаб учун маълум бир фандан ўқитувчини шартнома асосида тайёрлашни йўлга қўйиш;

— университетда таълим олиб, келажакда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган талабаларга асосий ихтисослиги - физика, математика, химия, биология, география, иқтисод, ҳуқуқшунослик, филология, тарих, социология, психология кабилар билан бир қаторда «педагогика»дан қўшимча (иккинчи) ихтисослик бериш; университетни битириб чиқадиган бўлажак ўқитувчиларга «ҳуқуқшунос-педагог», «иқтисодчи-педагог», «математик-педагог», «биолог-педагог», «филолог-педагог», «социолог-педагог» каби ихтисосликлар (квалификация) бериш;

— баркамол мутахассисларни тайёрлаш мақсадида талабаларга мустақиллик мафкурасини, умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларни сингдириш, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ғурур, бағиналмилалчилик фазилатларини, мустақил фикрлаш, ижодкорлик, иймон-эътиқод, халоллик каби ахлоқий сифатларни ўстириш, ҳуқуқий ва экологик тарбияга доир ишларни кучайтириш;

— олий таълимнинг мазмуни, шакл ва методларини мунтазам такомиллаштира бориш, бунинг учун ижтимоий-гуманитар, педагогик-психологик, ихтисослик фанларининг ўқув режалари ва дастурларини Ўзбекистон ва жаҳон фани ютуқлари, умуминсоний ва миллий маданий меросимиз асосида изчил бойитиб бориш; университетларнинг етакчи олимларини талабалар учун ўқув қўлланмалари, дарсликлар, методик адабиётлар яратишга кенгроқ жалб этиш; олий таълим ва педагогик таълим соҳасида илмий-тадқиқот ишларини, илмий лабораториялар фаолиятини кенгайтириш; вилоятлардаги университетларда олий таълим муаммолари ва фан тармоқлари бўйича номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш, минтақавий, худудий, бирлашган-ихтисослашган кенгашлар ташкил этиш;

— узлуксиз таълим ва педагогик таълимнинг назарий ва амалий муаммоларини илмий асосда ишлаб чиқишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошида педагогика ва психология фанлари бўлимини ташкил этиш лозим.

Малла ОЧИЛОВ,
Даврон ШОДИЕВ,
педагогика фанлари докторлари, профессорлар

Дунёда шундай бир олижаноб, эзгу касб борки, у инсондан фидойиликни, сабр-тоқатни, изланишни талаб қилади. Бу муаллимлик ва мураббийлик касбидир. Пойтахтимиздаги 179-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зуҳра Аббосова ҳам ўз касбини ардоқлаб келаётган заҳматкаш муаллималардан биридир.

Суратда: (чапдан ўнгга) ўқитувчи Зуҳра Аббосова 3-«А» синф ўқувчилари Дилфуза Йўлдошева, Муқаддас Ниғмонова ва Шоҳбоз Асадовлар билан мулоқотда.

Муҳаммад АМИН олган сурат

Yangilik

ЁШ ЎҚИТУВЧИЛАР МУЛОҚОТ КЛУБИ

Яқинда Навоий шаҳрининг «Ширин» маданият саройида вилоятдаги 1-3 йилгача стажи бўлган ёш ўқитувчилар ва мураббийларнинг анжумани ўтказилди. Анжуман ишида Навоий педагогика институтининг 150 нафар битирувчи талабалари ҳам иштирок этишди.

Барча иштирокчиларни вилоят ҳокими F. Дилов қизғин табриклаб, ёш ўқитувчи ва педагоглар олдидаги мураккаб ва долзарб вазифаларни бажаришда инсонпарварлик тамойилларига амал қилишга, дунёвий билимларни пухта эгаллашга, ҳозирги замон таълим тизимини бошқаришда илмий ва маданий тараққиётнинг моҳиятини чуқур тушунишга даъват этди. Бунинг негизида умуминсоний ҳамда миллий маданият ва қадриятлар, мустақиллик мафкураси ва иқтисодий ислоҳотлар туришини таъкидлади.

Шунингдек, Навоий педагогика институти ректори, профессор Р. Раҳмонов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи К. Эргашев, Навоий шаҳридаги 17-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Республика «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг ғолиби, «Энг ёш ижодкор ўқитувчи» Зумрад Ниёзовалар ўз маърузаларида ёш ўқитувчилар ва тарбиячилар олдидаги асосий вазифалар устида тўхталдилар. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ислоҳотни рўёбга чиқаришнинг мазмун ва моҳиятини теран тушунган ҳолда, таълим ислоҳотининг порлоқ истиқболини белгилаб берувчи қонунлар – Президентимизнинг узоқ йиллар давомида орзу-умидлари, тинимсиз меҳнатлари ва ғамхўрлигининг маҳсули бўлган маърифат-маънавият ва баркамол авлодни тарбиялаш ишига эътибор беришлари хусусида фикрлар билдирилди.

Тадбирнинг яна бир диққатга сазовор томони, республикамизда илк бор «Ёш ўқитувчилар мулоқот клуби» ташкил этилди. Иш дастурига эга бўлган 15 нафардан иборат клуб аъзолари, янги таълим технологияларининг илғор тажрибаларини таълим жараёнига тадбиқ қилишда вилоят халқ таълими бошқармасига яқиндан ёрдам беради. 1999-2000 ўқув йилининг мазмун ва моҳиятини бой ва сермаҳсул ҳамда самарадор бўлиши учун вилоят ҳокимлиги томонидан чиқарилган қарорларни таълим-тарбия фаолияти билан боғлашда ҳам жўшқин иш олиб бориш «Ёш ўқитувчилар мулоқот клуби» иш дастурида алоҳида ўрин тутади.

Ў. ПЎЛАТОВ
Навоий вилояти

Mitti tajriba

ДАРСДА МОДЕЛЛАШТИРИШ УСУЛИ

Таълим тизимида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш давр талабидир. Бунда, айниқса, 10-11-синфларда геометрия фанини ўқувчиларга ўргатишда моделлаштириш усули яхши натижа бермоқда. Бу ўрганилаётган фигуранинг чизмаси эмас, балки фазовий моделларидан фойдаланиш усули бўлиб, анча самаралидир. Хусусан, бизнинг илм масканимизда мазкур фаннинг стереометрия бўлими тўлиқ ўтилади. Дарс жараёнида фазовий координата системасидан фойдаланган ҳолда фазовий фигуралар шаклини ҳар бир ўқитувчи синф тахтасига чизади ва унинг элементларини ўз шогирдларига ўргатади. Лекин бу усулимизнинг ноқулай томонлари ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ўз касбининг моҳир устаси бўлган ўқитувчилар ана шу фигурани картондан ясаши ёки махсус тайёрланган фазовий фигуралар шаклларидан фойдаланиши мумкин. Тўғри, бундай шаклларни картондан ясаш учун анча-мунча вақт ва материаллар талаб қилинади. Агар борди-ю, биз конусни ёки цилиндрнинг шаклини синф тахтасига чизсак, унинг асослари эллипссимон бўлади, бироқ ўқувчилар 10-11-синфларда эллипс ҳақида умуман маълумот олмайдилар. Баъзан зукко ва қизиқувчан болалар муаллимга шаклнинг асосида доира ҳосил бўлмайди-ку, дея савол билан мурожаат қилишади. Шунда ўқитувчи тезда конус ва цилиндрнинг моделини ясаса, ўқувчилар учун буткул тушунарли бўларди. Биз моделларнинг ниҳоятда содда усулидан фойдаланамиз. Бунинг учун аниқ ўлчамдаги бир неча сим бўлакларини ва пластилиндан фойдаланамиз. Ушбу ашёлар ёрдамида ҳар бир ўқувчи бемалол шаклни ясаши ва унинг элементларини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилиши мумкин. 10-11-синф геометрия дарсларида аксарият ҳолларда, моделлардан фойдаланиш мумкин.

Моделлаштириш усули қўлланганда тасаввур қилинган шакллар ўқувчи кўз ўнгида ҳосил бўлиши уларга зўр қизиқиш ва қувонч бахш этади. Натижада улар масалаларни иштиёқ билан ечишга киришишади.

Абдулназар МИРЗАҚУЛОВ,
Узун туманидаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг олий тоифали ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси

Fransiyada ta'lim

ЯШИЛ УЙ — БОЛАЛАР МУАССАСАСИ

Яқинда Республика таълим марказида мактабгача таълим бўлими мутахассислари ташаббуси билан Канаданинг «Ситара Интернайшнл ЛТД» компанияси ҳомийлигида таниқли француз психоаналитиги профессор Вилли Барраль билан учрашув ташкил қилинди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан таклиф этилган педагоглар, психологлар, педиатр-врачлар, аспирантлар, студентлар, боғча тарбиячилари ва бошқа ходимлар қатнашиб, жаноб Вилли Барралнинг қизиқарли маърузасини зўр иштиёқ билан тингладилар.

Маруза «Францияда болалар психологияси ва Француза Дальто илмий мероси» ва «Француза Дальто ва Яшил уй» концепцияси – дастлабки умумлаштириш ва психосоматик бузилишларнинг олдини олиш маркази» мавзуларида бўлиб, тингловчиларга болалар психологияси масалалари кенг ёритиб берилди.

Шу ўринда В.Барраль, Француза Дальто хоним ким ва «Яшил уй» қандай ташкилот эканлигига аниқлик киритиб ўтсак.

Вилли Барраль «Арфа – болалар ҳуқуқи» жамиятининг асосчиси ва ҳақиқий президенти. Ўзининг биринчи диплом ишини фалсафа, дин ва теология, иккинчи марта тиббиёт психологияси бўйича ва учунчисини ижтимоий ишлар бўйича ҳимоя қилган.

Француза Дальто \1908-1988\ амалиётчи-шифокор, француз фрейдизм мактабининг психоаналитиги бўлган. Унинг «Психология ва педиатрия», «Бола дунёга келди». «Ёлғизлик», «Психотаҳлил бўйича семинар-лар», «Бола томонига», «Ўсмир томонига» номли китоблари психология мутахассислари учун жуда яхши қўланма ҳисобланади.

«Яшил уй»ни Ф. Дальто хоним 1979 йилда Парижда очган. Ҳозир бу ташкилот Швейцария, Вьетнам, Арманистон ва бошқа давлатларда иш олиб бормоқда.

«Яшил уй» — бу 0 ёшдан 4 ёшгача бўлган болалар (ота-оналарнинг улар билан учрашуви мумкин бўлган) муассасасидир. Бу ерда боланинг мактабгача таълим муассасасига аста-секинлик билан мослашишини таъминлаш ва оила шароитидан ажралиб яшашга кўникишига ёрдам беради. «Яшил уй» болада жамоатчилик билан дастлабки муносабатларда кўндаланг бўладиган қийинчиликни енгиб ўтиш ҳамда психосоматик касалликларнинг олдини олиш, соғлиғини мустаҳкамлаш ва мустақил ҳаётга тайёрланиш лаёқатини оширишга ёрдам беради. Бу ташкилотнинг яна бир жиҳати оммабоплиги, турли ижтимоий табақа оилалари ўртасида ва турли миллий, маданий, соғлом бо-лалар ва жисмоний камчилиги бўлган болалар ўртасидаги алоқани мувофиқлаштиради.

Икки кун давом этган маруза тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди. Ёш ота-оналар, талаба ва аспирантлар, педагоглар ва психологлар маруза юзасидан ва ўзларини ўйлантираётган масалалар бўйича саволларига қониқарли жавоблар олишди.

Малоҳат ҲАЙДАРОВА,
РТМ мактабгача таълим бўлими методисти

ҚИЗЛАР ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

«Аёллар йили муносабати билан Самарқанд вилояти Ҳ.Олимжон номидаги мусиқа ва драма театри биносида оиланинг жамият тараққиётидаги ролини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларни мустақил оилавий турмушга тайёрлаш мақсадида вилоят олийгоҳлари талаба қизлари ўртасида «Қизлар мустақил оила бўсағасида» номли кўрик-танлов ўтказилди. Талаба қизлар ўзаро оила тўғрисида, қонун-қоидалар, пазандалик, одоб ва ахлоқ ҳақидаги савол ва жавоблар орқали куч синашди. Танловда ўзларининг билимдонлиги ва чаққонлиги билан Самарқанд Тиббиёт институтининг қизлари биринчиликни қўлга киритди. Танлов ғолибларига вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Илёсбек АРЗИЕВ

КЎРГАЗМАДА ИНСОНИЯТ ҚИСМАТИ

Табиат ва Инсон азалдан ўзаро уйғунликда яшаб келарди. Кейинроқ Жамият пайдо бўлди ва ўзига Табиатни буйсундиришга ҳаракат қила бошлади. Лекин Табиатни буйсундирмоқ учун олиб борилган курашлар натижасида кўпинча Жамиятнинг боши ҳам бўлиб қолди. Ана шундан сўнгина Жамият ўзининг Табиатга бўлган муносабатини ўзгартириши лозимлиги маълум бўлиб қолди. Буни англаб етган оқилу фозил кишилар табиатни муҳофаза қилувчи муассасалар туза бошлашди. Оролни қутқариш халқаро фондининг бўлинмаларидан бири «Сув заҳиралари ва атроф муҳит Бошқаруви» GEF Лойиҳаси Агентлиги ҳам шундай муассасалардан.Табиатни муҳофаза қилишда кўп амалий ишлар қилаётган мазкур Агентлик яқинда, Олмониянинг Гёте институти билан ҳамкорликда ва Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишда ижтимоий фикрни шакллантириш миллий Маркази иштирокида тасвирий санъат асарлари кўргазмасининг ташкил қилди.

«Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни»га бағишланган ушбу кўргазма шу йилнинг 31 май куни «Ўзсувқурилиш» концерни биносида очилди. Кўргазмада ўзининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишни тарғиб қилувчи плакатлари билан машҳур бўлган олмон мусаввири К.Штэк ҳамда, карикатура жанридаги асарларнинг халқаро конкурслари совриндори ҳамюртимиз В. Муромцевнинг умумбашарий экологик муаммоларга бағишланган асарлари намойиш қилинди. Мусаввирлар ўз асарларида сўз билан ифода этиш қийин бўлган ҳиссиётларни тасвирий ифода орқали изҳор этганлар. Уларни томоша қилар экансиз, ҳар бири олдида бир неча дақиқа тўхтаб қоласиз, беихтиёр чуқур хўрсинасиз-да кейингисини томоша қилишга ўтасиз. Қалбингиз тўрида Табиатга, Заминимиз қисматига, қоларса, келажак авлод тақдирига ачиниш ҳиссини туясиз. Ва албатта, юрагингизда табиатга нисбатан меҳр уйғонганини ёхуд кучайганини сезасиз, юрагингиз бор бўлса агар.

Уйламизки, ушбу кўргазма Табиатга бўлган ижтимоий фикрни ижобий томонга ўзгартиришга катта ҳисса қўшади.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

1999 yil – Ayollar yili

«САБРДАН БАХТ ИЗЛАДИМ!»

Ўша куни Ўғилой туни билан йиғлаб, мижжа қоқмай чиқди. Ширингина ухлаб ётган жондай азиз фарзандлари Шаҳноза, Дилноза, Обиджон, Оқилжон, Собиржонларнинг ҳар бирига меҳр билан боқаркан, лаблари унсизгина пичирлади: «Мен сизларни ҳеч кимга бермайман».

Турмуш ўртоғидан эрта айрилгач, бутун меҳрини уйидаги фарзандларига, боғчадаги болаларига бағишлаган мураббий аёлга бир дугонаси «ақлли маслаҳат» берди: "Ҳали ёшсан, умрингни шу етимлар билан хазон қилма. Қизлар-ку анча катта бўлиб қолишди. Уч ўғлингни меҳрибонлик уйигами, қариндошларгами бер. Отасиз ўғлига катта қилишнинг ўзи бўладими? Ўғилой опа «ақлли» дугонасини ортиқ тингламади, уйига – болалари истиқболига ошиқди. Гўё болаларни кимдир ундан тортиб олаётгандай, уларни бирбир бағрига босди. Кеч бўлиб фарзандлари уйқуга ётса ҳам, у ухлолмади. Фақатгина уларнинг самимий юзларидан ором, осойиш топди. Тунни тонгга улади... Ўша кеч қатъий қарор қилди: фарзандларим учун неки қўлимдан келса, барчасини қиламан. Худо хоҳласа одамларнинг ҳаваси келадиган қилиб тарбиялайман, ўқитаман.

Ўғилой айтганини қилди. Турмуш ўртоғи вафот этганда эндигина ўн беш ёшга кирган Шаҳноза мактабни имтиёзли тугаллади. ТошМИ талабаси бўлди. Сўнгра Дилноза талаба бўлди. Опа тинмади. Меҳнатдан қочмади. Фарзандларининг яхши ўқишлари учун барча шароитларни муҳайё қилди. Керак бўлганда суйди, вақтида танбеҳ берди. Шукрки, фарзандлар ҳам эсли-ҳушли бўлиб улғайишди. Мактабни имтиёзли тугаллаган Обиджон Шарқшунослик институтига ҳужжат топширди. Талабалик шоҳсупасини эгаллаган йигит бир неча тенгқурлари билан Мисрдаги Ал-азҳор дорилфунунига ўқишга юборилди. Ўғилой опа бирин-кетин икки қизини узатди, бешик тўйлар қилди. Бу орада Оқилжон Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг халқаро бўлими талабаси бўлди. Кенжатойи Собир эса ҳарбий соҳани танлади. Ўғилой опа умрининг энг гўзал дамларини, ёшлиги, гўзаллиги, навқиронлигини фарзандларига, болажонларга бағишлади. Хафа бўлганда болаларнинг масъум нигоҳларига боқиб таскин изларди, чарчаганда меҳридан қувват олди, ғам-ташвишга ботганда, беғубор кулгусидан ором топди.

– Аёл бу сабр-бардош дегани, – дейди Шайхонтоҳур туманидаги 461-болалар боғчаси тарбиячиси, айни пайтда «Қоратош» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раисаси Ўғилой Абдуазимова. – Мен болаларимни боқолмаяпман, шароитим оғир дея ҳамиша норози бўлиб юрадиган айрим кишиларни кўрсам, ҳайрон қоламан. Тўғриси, тушунмайман. Аёллар-ку аёллар, баъзи эркаклар ҳам оила тебрата олмаётганидан нолишини қандай баҳоласа бўлади. Ҳозир маҳаллаларга катта имтиёзлар берилди. Баъзи ночор оилаларнинг оёққа туриб олишлари учун моддий ёрдам ҳам берилмоқда. Моддий ёрдам берилар экан деб, ана шу имтиёзга ёпишиб олганлар ҳам йўқ эмас.

– Опа, ҳам боғча, ҳам маҳалладаги жамоат иши толиқтириб қўймаяптими?

– Боғча, эндигина тетапоя бўлган болажонлар умрим мазмунига айланиб қолган. Жамоат ишига келсак, маҳалла ҳам ота, ҳам она. Билдирилган ишончни оқламоқ – бурч. Қўлидан иш келмайдиган беш бола билан ёлғиз қолганимда, уларнинг келажагини ўйлаб таътилсиз, дам олиш кунларисиз икки карра меҳнат қилганимда, зорланмаган, бугунги дориломон кунларда зорланмоғим – гуноҳ. Шукрки, Оллоҳ ўзи меҳрибон. Бугун мен ёлғиз эмасман, меҳрибон ва жондош отаси бор. Бағри кенг, ҳимматли, ҳар жиҳатдан ибратли, жуфти ҳалолим фарзандларимизнинг ҳаётда ўз йўлини топишига ёрдам берди. Бир-биридан ширин набираларимиз бор.

Опа барча юмушни бажаришга вақт топади. Ҳар тонг ўттиз уч йиллик қадрдони – боғчасига йўл оларкан, йигирма нафар жажжи болакайнинг чучук тил билан «ойижон» дея эркаланишларини, ширин қилиқчаларини эслаб илдамлайди. Кун бўйи уларни эркалаб, шеъру рақслар ўргатади, китоблар ўқиб, эртаклар сўзлаб, ҳатто кеч кирганини ҳам сезмай қолади. Сўнг уйга – оиласи даврасига, маҳаллага ошиқади...

Мавжуда ХОЛМАТОВА

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЭЛБЕКНИНГ МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ

Хумсон қишлоғи Тошкентнинг шимолида тоғлар бағрида жойлашган. Бу сўлим масканда юз йил муқаддам – 1898 йили Юнус ота хонадонида бир бола дунёга келди. Серфарзанд хонадон соҳиблари гўдакка Машриқ деб исм қўйдилар.

Машриқ Юнусов – Элбек талантли шоир, халқ мактаблари учун она тилидан илк дарсликлар муаллифи эди. 1937 йили у қамоққа олиниб, «айблари» учун 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди ва Сибирнинг Магадан шаҳрида 1942 йили вафот этди.

Машриқ хат-саводни Хумсонда ўрганди, 12-13 яшар пайтида Тошкентга келди. Илмга ташна ўспирин Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасида ака-ука Хоний, Мунаввар қорининг хусусий мактаблари борлиги ҳақида дарак топиб, маълум муддат Эшонхоннинг мактабида ўқишни ихтиёр этди.

Мунаввар қорининг мактабида рушдий — юқори синфлар ҳам ташкил қилинган эди. Машриқ мактабни битиришда рус тилидан ҳам имтиҳондан ўтади. Янги усул мактабларида, муаллимлар етишмаслиги боис, меҳнат фаолиятини бошлаган. 1919 йили 6 ойлик Ўлка ўқитувчилар курсини (курс мудири М.Абдурашидхонов) тугатади.

1918 йил август ойида Тошкентда ўтган илғор ўзбек ўқитувчилари ва маориф арбобларининг биринчи қурултойи кун тартибига алифбо масаласи ҳам қўйилди. Қурултой қатнашчилари ўзбек ёзувида араб алифбосидаги ҳарфларнинг икки шаклидан, яъни сўз бошида ҳамда ҳарфнинг алоҳида ёзилишида қўлланиладиган шаклидангина фойдаланилсин, деган қарорга келдилар. Қурултойнинг иш якунлари Маориф комиссарлиги коллегиясида кўрилганда, мазкур масала эътибордан четда қолдирилади.

1918-1920-йилларда янги очилган халқ мактаблари учун «китоб, дафтар, қалам каби ўқув асбоблари етишмайдигина эмас, балки буткул йўқ даражада эди» («Маориф» журнали. 1918, 2-,3-сон). Шўро ҳукумати янги усул мактаблари учун нашр қилинган алифбе, ўқиш китоблари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланишга рухсат бермаган. Янги ўқув китобларини нашр қилиш учун эса алифбо, имло масалаларини ҳал қилиш зарур бўлган. Шу даврда тил, имло, атамалар масалалари билан шуғулланувчи илғор ўзбек зиёлилари 1918 йилнинг охирларидан бошлаб ҳар ҳафтада бир марта машғулот уюштиришган ва у «Чиғатой гурунги» деб юритила бошланган (русча манбаларда "старо Ташкентский кружок — Чиғатой гурунги по вопросам языка и орфографии»). Абдурауф Фитрат ва Қаюм Рамазонов бошчилик қилган бу ишга, ёш муаллим Машриқ Юнусов ҳам қатнашиб турган.

«Чиғатой гурунги» қатнашчиларининг ташаббуси, Туркистон Маориф халқ комиссарлигининг ижозати билан 1919 йили Тошкентда «Битим йўллари» («Имло») китобчаси нашр қилинган. Туркистон Маориф халқ комиссарлиги (комиссар Шоҳид Аҳмадиев) биринчи бор Туркистон ўзбекларининг тил ва имло қурултойини ўтказади. Бу йиғинда араб алифбосини қисман ислоҳ қилиш, имло ва атамалар каби масалалар юзасидан маълум тўхтамга келинади. Шундан сўнг ислоҳ ишларини ҳаётга жорий этиш, айрим масалалар юзасидан тадқиқотларни давом эттириш юзасидан Юнусов Абдулҳамид (раис), Юнусов Машриқ ва Маҳмудов Вадуддан иборат ҳайъат сайланади. Элбекнинг 1-шеърлар тўплами "Армуғон" Тошкентда 1922 йилда нашр қилинган.

1921 йил ноябрь ойида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов — Чўлпон Бухоро Халқ жумҳуриятига ишга юборилади. Машриқ Юнусов 1922 йил 10 июлда ҳайъат раиси, айни вақтда ўзбек билим кенгашининг бошлиғи этиб тайинланади. Элбек 1921 йил ноябрь ойигача «Ёзув йўллари»нинг сўзбошисида бундай ёзган эди: "Тилимизда шу кунгача «Ёзув йўллари» йўқлиғиндан бир турли ёзилмасдан ҳар ким ҳар хил ёзиб келди. Ёзувни қоидалаштиришда биринчи бўлиб «Чиғатой гурунги» аъзолари бўлдилар. Булар йўлсиз қолғон ўзбек тилининг ёзувин маълум қоидаларга бўйсундириш учун биринчи бўлароқ «Битим йўллари» остинда бир китобча тарқатиб, элга янги ёзув йўлларини кўрсатдилар. Табиий, бунинг билан бизнинг ёзувимиз анчагина йўлга солинди. Эл болалари анчагина бундан озиқландилар.Бироқ 1921 йил бошида бўлғон тил-имло қурултойида сўнгги имломизға яна янгиликлар қўшилди. Шунинг билан «Битим йўллари»даги кўрсатилган негизларнинг бир ози ўзгарди... Бунинг устига «Битим йўллари» ёлғиз ўқитғувчилар учун йўлбошчилиқ этатурғон бир китоб бўлғонлиқдан мактаб болалари учун сабоқлиқ этиб тузилмаган эди. Шунинг учун мен ушбу қўлингиздаги битикча (китобча)ни янги йўлда қурултой тўқтамиға (қарориға) мослаб (мувофиқлаб) ёздим...

Битиқда бўлғон камчиликларни кўрсатган ўртоқларимизға қуллуқ этиб, кўрсатган йўлларнинг тўғри бўлғонларин битикни иккинчи босилишида қўшармиз ва шунинг билан битикнинг тузалишига йўл очармиз».

«Ёзув йўллари»да қуйидаги масалалар юзасидан материаллар берилган: «товушлиқ, товушлиқ чўзғилар, сўз, сўз бўлаги, қалин ва ингичка сўзлар, туташ ва узуқ товушлиқлар, қўшимчалар, қўшимчаларнинг ёзилишлари, товушлиқларнинг ўзгаришлари, қоида, ўқувчиларға синаш учун юклатилган ишлар». Ниҳоят, китобнинг охирида «қўшимча» бўлиб, бунда ўзбек тилига араб ва форс тилидан ўтган сўзларнинг имлоси ҳақида фикр юритилади.

Машриқ Юнусов 1923 йил 3-9 октябрь кунлари Бухоро халқ жумҳуриятининг пойтахти Бухоро шаҳрида ўтган Ўрта Осиё ўзбекларининг тил ва имло қурултойига Туркистон республикаси вакиллари таркибида (М.Абдурашидхонов, Халил Дўстмуҳаммедов, Бекжон Раҳмон, Шокиржон Раҳимий, Е.Д.Поливанов, Қаюм Раҳмоновлар билан бирга) қатнашади.

1934 йили "Ўздавнашр" Элбекнинг шаклдош сўзлар луғатини (изоҳ ва мисоллар билан) нашр қилади. 1918 йил августда ўқитувчилар ва мутахассисларнинг турли расмий йиғинларида алифбони ислоҳ қилиш масаласи ўртага қўйилади. 1921 йил 8 январда Тошкентда, 1923 йил 3-9 октябрда Бухорода ўтган тил-имло

Moziydan sado

қурултойларида Марказий Осиё ўзбекларининг ислоҳ қилинган араб алифбосида иш олиб боришлари расмий ҳал қилинади. Бу билан ўзбекча хат-савод ўргатиш ишлари бирмунча енгиллаштирилган, қоларса, арабча ҳарфларнинг ёзилиш шаклларининг қисқартирилгани 1927 йилдан ҳар бир нутқ товушига бир белги олиш ишини осонлаштирган. Аммо арабча ҳарфлар шаклининг озайтирилиши «эски имлода« ёзилган манбаларни ўқишни бирмунча қийинлаштирган. «Янги имло» (1921 - 1926) асосан даврий матбуот, ўқув китобларида қўлланилган.

Туркистон Маориф халқ комиссарлиги 1919 йили ўзбек «бошланғич мактаблари» учун ўқиш китоблари тузиш юзасидан очиқ танлов эълон қилди. Орадан маълум вақт ўтишига қарамай, танловга қатнашиш юзасидан ҳеч қандай хат-хабар бўлмайди. Комиссарлик раҳбарлари кўрсатмаси билан дарсликлар ҳозирлаш юзасидан Машриқ Юнусов бошчилигида ҳайъат тузилади. Натижада 1921 йили Туркистон Давлат нашриёти Элбек ва Сайфи ҳозирлаган «Ўзбекча ўқиш» (3-китоб, 56 бет, 30000 нусха), 1922 йили октябрь ойигача Элбек ва Сайфининг «Ўзбекча ўқиш»(1-китоб, 100 бет, 35000 нусха) дарсликларини нашр қилган.

Шуни таъкидлаш керакки, Машриқ Юнусов биринчи марта 1921 йили ўзбек атамасини мактаб китобларининг номи таркибида берган. Мазкур ўзбекча ўқиш китобларида Элбекнинг шеърларидан ҳам намуналар берилган.

Кейинроқ Элбекнинг 3 китобдан иборат, "Ўрнак", "Билим дасрликлари" нашр қилинган.

Хуллас, Элбек ёзувчигина эмас, балки кичик ёшдаги болалар руҳий ҳолатларини теран билган моҳир педагог ҳам бўлган. Шоирнинг араб, лотин алифболарида нашр қилинган ўқиш китобларини синчковлик билан ўрганиб, унинг қаламига мансуб бадиий асарларидан ҳозирги ўқиш китобларида ҳам фойдаланиш, айни вақтда асарлар тўпламлари нашридан дарсликларда ҳам фойдаланиш зарур.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди

«МАЪНАВИЯТ» ДУРДОНАЛАРИ

«Маънавият» нашриёти ўзининг қисқа фаолияти давомида китобхонларга бир талай асарларни тухфа этди. Улар бой ўтмиш маънавиятимиз, маданиятимиз, тарихимиз ва бугунимиздан сўзлайди. Яқинда шундай дурдоналардан яна бир гулдаста тайёрланиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.



Бобомиз Амир Темур буюк давлатчилик яратган жаҳонгир сифатида нафақат бизни, балки бошқа халқларни ҳам ҳамиша ўзига жалб этиб келган. Жумладан, соҳибқиронинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида Францияда ўнлаб тарихий-бадиий ва илмий асарлар яратилган. Улардан энг мукаммал, назаримизда, Люсье Кэрэннинг «Амир Темур салтанати» асаридир. Илк бор 1978 йилда Швейцарияда чоп этилган бу китоб Самарқанд тарихи билан бошланиб, Амир Темурнинг дунёга келишидан умрининг охиригача босиб ўтган ҳаёт йўли қамраб олинган. Унда соҳибқирон барпо этган салтанатнинг кейинги тақдири ҳамда Бобурийлар ҳаётига алоҳида боблар ажратилган, Амир Темурнинг Европа қироллари билан ўрнатган муносабатлари ҳақидаги қимматли маълумотлар ёритилган. Асарни француз тилидан ўзбек тилига Баҳодир Эрматов ўгирган.

Мазкур асар Туркистон чор мустамлакаси даври тарихига оид нодир холисманбалардан ҳисобланади. Боиси, унинг муаллифи – Муҳаммад Азиз ибн Муҳаммад Ризо ўша вақтда Фарғона водийсида бўлиб ўтган воқеаларнинг бевосита шоҳиди ҳамда унда иштирок этганларнинг ҳикояларига асосланиб ушбу асарни ёзган. Китобда чор ҳукуматининг маҳаллий халқларга нисбатан ўта шафқатсизларча муносабатда бўлгани ва унинг ҳарбий-маърифий бошқарув тизимининг кирдикорлари атрофлича баён этилган. Нашрга тайёрловчилар – Шодмон Воҳидов, Дилорам Санжарова.

Таниқли адабиётшунос, профессор Шариф Юсуповнинг ушбу китобидан ўта машъум мустамлакачилик даврида мамлакатимиз озодлигини, унинг мустақ-лигини кўра билган ва у кунларни яқинлаштиришга ҳаракат қилган ватан фидойилари тақдири ўрин олган. Китобга кирган материалларнинг барчаси истиқлол даврининг ҳосиласи бўлиб, ўқувчиларга оҳори тўкилмаган фикрлар улашиб, уларда миллий ғурур туйғусини кучайтиришга хизмат қилади.

Ko'ngil bitiklari

ТЎРТЛИКЛАР

Ва ниҳоят ўтди, бу кунлар ўтди,
Минг дардли ҳижронлар, туйғулар ўтди.
Мусофир юртларни кезган чоғимда,
Кўнгилларга пайванд кўнгиллар ўтди.

Сенинг мусибатинг — мени ўйламоқ,
Сени ҳижронлардан топаман мен ҳам.
Сенинг қайғуларинг — мени куйламоқ,
Сенинг оғриқларинг кўнглимга малҳам.

Илёс МАМАЖОНОВ,
Тошкент темир йўллари муҳандислари институти талабаси

ИБРАТ

Борлиқ жонланади, кўкдан сепиб сув
Мағрур садо берар момақалдироқ.
Жонсиз табиатга ҳаёт бериб у,
Жилғалар ирмоққа айланар шу чоқ.

Ирмоқлар ўз йўлин ўзи очмоқда,
Учраган ғовларни сидириб ташлаб.
Ўзининг шаштидан ўзи тошмоқда,
Ҳавасим келади, о унга қараб.

Ёмғир-ку боғларнинг ғуборин ювиб,
Кўклам қуёшидан ҳадя этар ранг.
Мен ҳам эзгуликнинг уруғин экиб,
Элимга ёмғирдек бир наф беролсам.

Абдумажид ТЎХТАШЕВ

ИНШО

Мени ёзишдан аввал,
Мавзуни тўлиқ ўйла.
Матннинг мазмунини,
Ўзингга — ўзинг сўйла.

Сўнгра мавзуга оид,
Диққат билан туз, режа.
Амал қилсанг шу сўзга,
Чиқар яхши натижа.

Замира ЮСУПОВА,
Пискент шаҳридаги 6-мактаб ўқитувчиси

So'nggi qo'ng'iroq

БОЛАЛИК МАМЛАКАТИГА ҚАЙТИШ

... 62 - мактабда чалинган охирги қўнғироқдан сўнг, шу пайтгача йўқотганларимнинг ҳаммасини топгандек бўлдим. Кўзларимга ёш келди, демак кимларнидир соғинганман, нималарнидир қўмсаганман... Капалакдек тусланган, маржондек терилган 11-синф ўқувчиларига ҳавасим келди. 25 май уларнинг энг бахтли куни эди. Улар учун энг ташвишли кун ҳам 25 май эди аслида. Негаки бундан кейин 11-синфдагиларнинг шахсий ҳаёти бошланади. Шу кунгача олган билими, тарбияси ўз маҳсулини бера бошлайди. Бир-бирини соғиниш бор, аммо кўрмоқ, дийдорлашмоқ барибир мактаблардагидек бўлмайди. Эҳ-ҳе, мактаб партасида ўқувчининг хаёлидан баҳоналар сабаб ўзаро аразлашмоқ, ўқитувчидан дакки-дашном олиш, «5» ларнинг қувончи, баъзи-баъзида ваҳимаси, қулоқларга беҳосдан етиб келган беғубор муҳаббат сирларининг очилиши... хуллас мактаб ўқувчисининг ҳар биттаси беадад болалик мамлакатининг жаноб президенти ҳисобланса, ажабмас.

Мен ҳам бир пайтлар Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 62 - мактабни тугатганим эсимга тушди. Биз синфимизда 32 нафар ўқувчи эдик. Ўн олти қиз, ўн олти ўғил... Шундан сўнг бир неча авлод мактабимиз остонасини ҳатлаб ўтганига биз кирган эшиклар, биз ўтирган парталар, биз баъзан бўр билан, баъзан мих билан тирнаб ёзган доскалар гувоҳ. Бу вақт мобайнида синфдошларимизнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топди. Собиржон Қодиров мактабимизга ўқитувчи бўлиб келди. Ҳозир биз ўтирган парталарда болаларни ўқитмоқда. Қўчқор Жовбўриев айни паллада бошқалар қатори ўқитувчиларимизни ҳам даволамоқда - тиш дўхтири. Шодиёр Бобожонов каттамас, кичикмас - туманимиз ҳокимини «31»да олиб юради. Нафиса Сайидвалиева мактаб директорининг ўринбосари. Қимматой савдода, Холмамат далада, Бекназар қурилишда ишламоқда. Ҳаётнинг ёзиғини ҳеч қачон ўзгартириб бўлмас экан. Минг афсуслар бўлсинки, энг тўполончи, аммо ҳаракатчан дўстимиз Норбек Очилов билан бизга ҳамиша байрамларда "Муножот"ни айтиб берадиган синфдошимиз Гулшода Нуралиевалар ўттизга етиб-етмай бизни ташлаб кетди. (Жойлари жаннатда бўлсин).

Бизни ўқитган ўқитувчиларимиз ҳам бир олам эди. Уларнинг кўпчилиги қарилик нафақасига чиқиб кетди. Тарихчимиз Бердиқул Алиқулов , расмчимиз Рўзимурод Боймуродов, физика ўқитувчимиз Эргаш Қодировлар аллақачон бу дунёни ташлаб кетди. Биз ўқиган пайтларда нисбатан ёшроқ бўлган муаллимларимизнинг айримлари ҳозир ҳам дарс олиб бормоқда. Кекса устозларимиздан Абдувоҳид Тошпўлатовни ҳамиша эслайман. У киши "болаларим, сизлар йигитсизлар, ҳаётда кў-ўп қийналишингиз мумкин, лекин ҳеч қачон йиғламанглар, уят бўлади,"дер эди. Аммо ўзи бир куни йиғлади. Ҳеч биримиз у кишининг «нима учун дафтарнинг юзига она тили деб ёзамизу китобимизнинг муқовасига ўзбек тили дея ёзилган?» деган саволга жавоб беролмадик. Тошпўлатовнинг жаҳли чиқди. Асабийлашди. Жаҳл устида «Шу пайтгача сенларни ўқитганларнинг падарига минг лаънат», дея овози йўғонлашиб, сўнгра ғайритабиий ҳолатда узилиб-узилиб, қолдироқ ҳолатда чиқди. Кўз ёши олдида турган синф журналига томиб кетди. Рўмолча билан артиб, бўялган жойини лезвия билан қириб ташлаганини кўрдик. Ўрни келганда у кишидан бизга йигит киши йиғламайди деб айтганлигидан қатъий назар ўзининг йиғлаганига нима сабаб бўлганлигини сўрадик. «Каттарсанглар биласизлар, жонларим», деган эди шунда. Улғайиб тушунганларимиз шу бўлдики, эр кишининг йиғлаб наъра тортиши дунёни ларзага соларкан. Ҳаёт дегани шунчалик бешафқат фалсафа эканки, эр кишини йиғлаган ҳам баттар қилишга қурби етар экан. Домла Тошпўлатовнинг кўз ёшлари денгиздан бир томчи экан...

Мактабимизнинг собиқ директори Хуррам Ғуломовни ҳам унута олмасак керак. Дунёда иккита ҳалол инсон бўлса биттаси шу устозимиз эди. Тушгача мактабда бўлар, тушдан сўнг ташкилий ишлар билан у ёқ, бу ёққа югур - югур қилар, кечга яқин пода ҳайдаб дарё ёқасига кетарди. Шу-шу у кишига бир дард ёпишди. Зўрға тузалди. Ҳозир нафақада. Умри узоқ бўлсин. Қирқ йилдан ортиқ ўқитувчилик қилди. 5 - 6 километрлик йўлдан гоҳида пиёда, гоҳида мотоциклда қатнади. Ҳаттоки ота-оналаримиз ҳам у кишини бир сўз билан «Домла ҳалол одам» дерди фахр билан. Ҳаётнинг бундан ортиқ мукофоти топилмайди, аслида.

Адабиёт ўқитувчимиз Бодомой Бекталиева , математигимиз Узоқбой Маматовлар ҳам ўз касби кори учун жон олиб, жон берадиган муаллимларимиздан бири эди. Бекталимова Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеърини жондан яхши кўрарди. Ҳар бир дарс битта эртак ёки шу шеър билан бошланар эди. Опамизнинг каромати билан "Широқ", "Алпомиш", "Гўрўғли" достонлари бизга ёд бўлиб кетган эди. Узоқбой домламизнинг эса ҳеч қачон бирор ўқувчини уришаётганини кўрмаганмиз. Ваҳима эмас, ҳақ гап бу. Маматовнинг дарсида бемалол кўчирмачилик қилишимиз ҳам мумкин эди. Агарда билиб қолган тақдирда ҳам у киши биз билан ади-бади айтишмас, шартта «2» ни ҳам босмас эди. Ўқувчи билан муроса қиларди. Ва охироқибат бу муомала ўз маҳсулини бермай қолмасди.

Яна бир ўқитувчимиз - Ўктам Сайидвалиев охирги қўнғироқдан сўнг қарилик нафақасига кузатилди. Бошида дўппи, эгнида йилтираган чопон билан ўз касбдошлари , ўқувчилари даврасида мириқиб рақсга тушди.

... 62 - мактабдаги охирги қўнғироқдан сўнг домла Турумтош Ширинов собиқ синфдошим Собир Қодиров билан хомчўт қилдик. 1999 йилнинг 25 майига қадар ушбу даргоҳда ўттиздан ортиқ ўнинчи ва ўн биринчи синфлар ўчирма бўлибди. Демак, мактабимизнинг энг дастлабки ўқувчиси ҳозир 56 - 57 ёшда.

Ҳаёт занжир мисол бирбирига боғланган ҳалқалардан иборат. Ҳалқа дарз кетган жойда узилиш пайдо бўлади. Ушбу узилиш туфайли биз интиқ бўлиб кутиб яшайдиган, таяниб иш кўрадиган, яшашни, ишлашни ўрганишимиз лозим бўлган неъматлардан бебаҳра қоламиз. Натижада меҳр-мурувват, садоқат ва фидойилик ҳам аста-секин офтоб кўради. Собиқ ўқувчи бугунги авлод қандай тарбия олаётганидан, бугунги ўқувчи ака-опаларининг қанақа таълим-тарбия олганидан бехабар қолади. Авлодлар кўприги зил кетади.

Қисқаси, охирги қўнғироқ ҳамиша одоб, ахлоқ ва амал қўнғироғи бўлиши ҳаммамиз учун кони фойда. Қўнғироқ овози ҳамиша даъватқор бўлмоғи даркор. Қулоғингизга жиринглаган наъра етиб келдими, демак билингки кимдир мактаб билан хайрлашмоқда, кимлардир таълим маскани сари дастлабки қадамини ташламоқда. Истайманки, 62-мактабда жаранглаган охирги қўнғироқ мактабнинг баъзи ўқитувчилари, ўқувчилари, битирувчилари учун қувонарли, пухта билим эгаллаш, ҳаётда ўзига муносиб ўрин топиш масаласида қут-баракали бўлсин.

Нормурод МУСОМОВ,
Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Ҳ.Олимжон номли 62-ўрта мактабнинг собиқ ўқувчиси

Xullas...

ФОШ ҚИЛУВЧИ БУРУН

АҚШ президенти Билл Клинтоннинг ишқий можаролари тўғрисидаги миш-мишлар ҳамон тингани йўқ. Британиялик профессор Алэн Хирш суд жараёнида Клинтоннинг бурнини жуда синчковлик билан кузатди. Қизиғи шундаки, телеэкранда ўзини оқлашга уринган Президентнинг бурун катаклари кенгайиб, хиёл узайгандек бўлди. Профессор унинг ёлғонга ухшаш кўрсатма бераётганини сезиб турар, компьютер ёрдамида «айбдор»нинг юз-кўзини жиддий таҳлил қилишга киришган эди.

—Инсон ёлғон қўшиб гапирганда, мураккаб руҳий ҳолатни бошдан кечириши табиий, — дейди Алэн Хирш. — Бу лаҳзада унинг бурни ёлғонларни фош қилиб қўяр экан...

Психология фанига янгилик олиб кирган профессор хулосаси билан махсус лаборатория хизмати ходимлари қизиқиб қолишди.

МУШУКЛАРНИ БОҚҚАН МАЙМУН

Одамнинг ҳайвонга меҳрибонлигини кўргансиз. Аммо ҳайвонот оламида ҳам бу ҳолат жуда кўп кузатилади.

Таиланддаги Накропрас қишлоғида жойлашган буддистлар ибодатхонаси. Турган гапки, бу ерга жониворлар киритилмайди. Ёқимтойгина иккита ола-була мушукча миёвлашиб шишага талашишарди. Шу пайт Жу лақабли маймунча пайдо бўлиб қолди. Афтидан, у ҳам ибодатга келганлардан бирига қарашли бўлса керак.

Маймун мушукчаларни муросага келтирмоқчидек, пинжига олди. Идишни гоҳ униси, гоҳ бунисининг оғзига тўғрилаб, овқатлантирди.

Мушукларнинг эгаси идишни улар билан қолдирган, «Худонинг ўзи ёрдам берувчи» дея ибодатхонага кириб кетганди.

Чиндан ҳам, Яратганнинг ўзи мададкор...

ЎҒИРЛАНГАН БАЙРОҚ

Русия байроғини Москва яқинидаги эски Арти туманида илмайдиган бўлишди. Байроқ маҳаллий ҳукумат идораси бошлиги Вадим Пановнинг хонасида сақланмоқда.

Ватан рамзига ким хиёнат қилиши мумкин? Бир парча мато кимга ҳам керак?

Гап ана шу бир парча матонинг қимматбаҳо эканлигида. Утган йили ҳам байроқ эғриқул шахслар томонидан гумдон қилинганди.

Энди эса байроқ фақат тантанали кунлардагина кўчага осилади.

АҲОЛИСИЗ ҚИШЛОҚЛАР

Смоленск вилояти харитасида 499 та қишлоқ ҳувиллаб ётибди. Яна 23 та қишлоқ аҳоли пунктини тугатиш ҳақида халқ депутатлари бир тўхтамга келишди.

«Улиқ» қишлоқлар сони ошиб бораётганидан вилоят раҳбарлари ташвишда. Сабаб, кун кўришнинг қийинлашгани шекилли...

ana shunaqa gaplar...

Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 244 - мактаб томонидан 1996 йилда Нилуфар Кенжаева номига берилган 092557 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Узбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, Республика Таълим маркази янги ўзбек алифбоси бўлими бошлиги Ш.Аҳмедовага отаси **Муҳаммаджон ТЎЛАКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети раҳбарияти чолғу ижрочилари кафедрасининг катта ўқитувчиси Ноила Рискиевага онаси **Софияхон ҲАКИМОВА** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Sport maydonchasi

ФРАНЦУЗЛАР ДОҒДА ҚОЛДИ

2000-йили бўладиган футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш мусобақаларида Франция ва Россия терма жамоалари учрашуви бўлиб ўтди. 1998 йил Жаҳон чемпиони деб топилган французларни рус футболчилари доғда қолдириб, ўйин тақдирини 2:3 ҳисоби билан ўз фойдаларига ҳал қилдилар.

ИВАН ГОТТИМИ ЁКИ МАРКО ПАНТАНИ

Италияда волейболчиларнинг «Жирро» — 99" совринини Иван Готти қўлга киритди. Лекин мусобақадан эсда қоладиган ҳодиса бу эмас, балки маррага Готтидан олдин етиб келган моҳир пойгачи Марко Пантани допингга оид қонунчиликнинг пухта эмаслиги қурбони бўлган эди. Миланда ғолиблик шоҳсупасида турган И.Готти эса, «Мен Пантани ҳақида ўйлашни истамайман, келинглар менинг ғалабамни нишонлайлик» деди.

КАСПАРОВ БАШАРИЯТГА ҚАРШИ

«Спорт экспресс» газетаси хабарига кўра, Microsoft кампанияси «Каспаров бир томон, Жаҳон бир томон» деб номланувчи олтмишмушул шоҳмот лойиҳасини амалга оширишни расман эълон қилган. Мазкур лойиҳага кўра, Жаҳон чемпиони Internet тармоғи орқали бу тун башариятга қарши доно сўради! Бунда Гарри биринчи бўлиб юради, шундан сўнг курраи-замин бўйлаб кимки шоҳмот ўйнашни билса ҳамда Internet тармоғига улана олса, жавобий юриш қилиш учун ўз овозини бериши мумкин бўлади.

«РОЛАН ГАРРОС — 99» ЭГАЛИ БЎЛДИ

Францияда теннис бўйича эркаклар ўртасида «Ролан Гаррос — 99» соврини учун ўтказилаётган ўйинлар финали муросасиз баҳслардан сўнг ўз поёнига етди. австралиялик Рода Лэйвер қўлидан Мушкетёрлар Кубогини олган америкалик теннисчи Андре Агасси ғолиблик қувончи кўз ёшларини зўрға ушлай олди.

ЙШОНГАН ТОҒДА ҚИЙИК ЁТАДИМИ?

Волейбол бўйича Жаҳон лигаси мусобақаларининг дастлабки турларида қайд этилган кутилмаган натижалар жаҳон волейбол жамоалари ўртасида кучлилар ўринларини ўзгартириб юборди. Бундай натижаларни ушбу беллашувларда кўпчилик кучли ҳисобланган жамоалар ёш тажрибасиз спортчилардан иборат янги таркибда иштирок этаётгани билан изоҳлаш мумкин. Кўрамиз кучли деб ҳисобланган бу жамоалар бу гал ишончни оқлай олармиканлар?

БИРИНЧИ ЎРИН СОҲИБЛАРИ — ТАЛАБА

Tanlov

Инсон борки, у ҳамиша ўз касби, меҳнати, изланиши самараси боис ҳаётда ўз ўрнини топади. Ўрта махсус мусиқа ва санъат билим юртлари ёш ижрочиларининг XV-Республика кўрик-танловида бизнинг Республика мусиқа мактаб-интернатимиз пуфлама ва зарбли чолғу асбоблари ижрочилари ўз муваффақиятлари билан барчамизни хушнуд этди.

— Ушбу танловдан мақсад ёшларни баркамол санъаткор қилиб тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, хусусан мусиқага меҳр-муҳаббатини ошириш эди, — деди мактаб-интернат раҳбари Машкура Каримова. — Айниқса, бизнинг битирувчи тарбияланувчиларимизга омаднинг кулиб боқиши жамоамиз меҳнатининг ширин меваси бўлди.

Тарбияланувчиларимиздан 11-«А» синф ўқувчиси Ойбек Султонов, (устози В.Л. Мелкомини) габой мусиқа асбоби ижросида 1-ўринни эгаллаб, шу бугундан бошлаб М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси бўлди. 1-«Б» синф ўқувчиси Артём Кузмин (устози А.Гаджиев) труба мутахассислиги бўйича 2-ўринни, 11-«А» синф ўқувчиларидан Р.Акбаров, (устози У.Тошматов) зарбли чолғу асбобида 3-ўринни, Комилжон Турсунов (устози С.Нитишин) труба чолғу асбобида 3 ўринни , 9-«Б» синф ўқувчиси Ш.Хонтимиров (устози А.Абдумаликов) фогот чолғу асбобида 3-ўринни, 10-«Б» синф ўқувчиси Рустам Раҳматуллаев (устози М.Вафоев) волторна чолғу асбобида 3-ўринни қўлга киритишди.

* * *

Ўрта махсус мусиқа ва санъат билим юртлари ёш ижрочиларининг XV республика танлови қолган турлар бўйича ҳам ўз ишини якунлади. Ҳакамлар ҳайъати қуйидагиларни ғолиб деб топди:

Скрипка бўйича:

1-ўрин — Мария Азизова. (Успенский номидаги махсус мусиқа мактаб-интернати).

2-ўрин — Кирилл Расколенко. (Успенский номидаги махсус мусиқа мактаб-интернати).

3-ўрин — Осман Ваапов. (Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти.

Альт бўйича:

1-ўрин — Юрий Медников (Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти).

2-ўрин — Эдуард Старых (Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти).

3-ўрин — Святослав Надольский (Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти).

Виолончел бўйича:

1-ўрин — Ильмира Тинчурина (Успенский номидаги махсус мусиқа мактаб интернати).

2-ўрин — Ирина Ишенко (Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти).

3-ўрин — Суннатилло Ибрагимов (Глиер номидаги махсус мусиқа мактаб-интернати).

Контрабас бўйича:

1-ўрин — Константин Шевцов (Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти).

2-ўрин — Люция Исмаилова (Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти).

Мавлуда ШОКИРОВА,
Мухтасархон КАРИМОВА

Кўпчилик профессор Ғулом Каримовни ўзбек адабиёти тарихининг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари даври билимдони сифатида яхши билади. У киши томонидан тайёрланган «Ўзбек адабиёти тарихи» (III китоб) дарслиги 30-40 йиллардан буён олий ўқув юртлари ва ўрта мактабларда ўрганилиб келинмоқда.

«Баркамоллик» дан эса олимнинг ўзбек адабиётининг долзарб масалаларини ўрганишга бағишланган мақолалари ва олим замондошларининг у ҳақидаги хотиралари ўрин олган.

Ушбу рисола муаллифи биология фанлари доктори, профессор Ҳасан Бўриев. Ижтимоий фаол шахс қаерда, ким бўлиб ишламасин ён-атрофида кечаётган воқеликка, ўзи яшаб турган замонага бефарқ бўлиб туролмайди. Муаллиф шахсий кечинмалари асосида ижтимоий ҳаёт муаммолари хусусидаги мушоҳадаларини ва хориж сафарларидан олган ибратли таассуротларини баён қилган.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Маънавият» нашриёти халқимизнинг маънавий мероси дурдоналарига дахлдор китобларни чиқариш баробарида бевосита академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта умумтаълим мактаблари юқори синфлар ўқувчилари учун ўқув фанларидан кўргазмали қуроллар тайёрлаб сотувга чиқарди. Жумладан, физика ва химиядан 18 кўринишдан иборат бўлган жадваллар тўпламми шу кунларда нашрдан чиқди. Шунингдек, ўқув йили сўнггида ўқувчиларни ва ходимларни рағбатлантириш учун «Maqtov yorliq» ва «Фахрий ёрлиқ» ҳам мавжуд. Бу маҳсулотларни «Маънавият» нашриётидан харид қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй. Мўлжал «Боғи эрам» истироҳат боғи.
Тел: 68-24-15, 67-22-14

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0457. Тиражи 47.450. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00.